

Саудия Арабистони бугун чегараларини очади



16:04 / 17.05.2021 3432

Қироллик бошқа давлатлар билан қуруқлик, сув ва ҳаво алоқаларига қўйилган тақиқни бекор қилади. Бу ҳақда islam.ru манбаси хабар беради. Бироқ, барча фуқаролар чет элга бора олмайдилар, фақат коронавирусга қарши эмланганлар, чет элда даволаниш харажатларини қоплайдиган суғурта полиси бўлган вояга етмаганлар мамлакатни тарк этишлари мумкин. Бу ҳақда ТАСС агентлиги Саудия Арабистони ташқи ишлар вазирлигига асосланиб хабар берди.

Мамлакат раҳбарияти янги коронавирус тури пайдо бўлиши сабабли чегараларни ёпган эди. Икки ҳафта давомида Саудия Арабистонига ҳатто транзит сафарларига ҳам рухсат берилмаган.

Олдинроқ, қироллик маъмурлари коронавирусга қарши эмланмаган одамларнинг иш жойларига боришини тақиқлаганлар.

Reuters маълумотларига кўра, Саудия Арабистони фуқароларининг атиги 16 фоиздан ортиғи эмланган.

Хуршид Маъруф тайёрлади